

ЗООВЕТЕРИНАРИЯ

илий-оммабон журнал

10

2009

СЕНТЯБРЬ

4-бет

Арид
хуауаарида
чўлланишни
олдини олиш
технологияси

10-бет

Населчилик иши
истикболлари
ва муаммолари
ечими
йўлида

27-бет

Қўй ва эчкилар
дикроцелиоз
касаллиги

33-бет

«Лакто ФЛОР»
препаратини
қўллаш
йўриқномаси

38-бет

Асаларичилик
субъекти
паспорти



МУНДАРИЖА

Олдингизда қарздормиз устозлар.....	2
Кузница кадров.....	3

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Жарён

М.АБДУЛЛАЕВ — Арид ҳудудларда чўлланишни олдини олишнинг муқобил технологияси.....	4
У.НОСИРОВ — Ўзбекистонда наслчилик иши ва наслчилик базасини такомиллаштириш муаммолари.....	10

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ

Юқумли касалликлар

Р.ДАВЛАТОВ — Паррандаларни юқумли ларинготрахеит касаллигидан асрайлик.....	20
Х.САЛИМОВ — Геморрагик иситма ҳақида биласизми?.....	22

Юқумсиз касалликлар

Н.ДИЛМУРОДОВ — Турли экологик шароитдаги қўйларнинг постнатал тараққиётида метаподий суяқларининг мустаҳкамлик даражаси.....	23
--	----

Паразитар касалликлар

Ш.ДЖАББАРОВ, А.ОРИПОВ — Қўй гельминтозларига қарши турли антгельминт-туз аралашмаларнинг иқтисодий самарадорлиги.....	25
Б.САЛИМОВ, Ш.ҚУРБАНОВ, Ҳ.ОТАБОЕВ — Қўй ва эчкилар дикроцелиозининг эпизотологик ҳолати ва уни даволаш.....	27

Акушерлик ва гинекология

С.ХАДЖИБЕКОВ, Б.СВАНКУЛОВ, А.СВАНКУЛОВА — Қўйлар ва эчкиларни уруғлантириш тадбири.....	30
---	----

ЗООГИГИЕНА, ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ-СИ, ЭКОЛОГИЯ

Д.НОРМУРАДОВ — Экологик ўзгаришларнинг салбий оқибатлари.....	31
---	----

Фармакология ва токсикология

Н.НОВОСЕЛЬЦЕВА — Основные параметры острой токсичности циракса для животных и птиц.....	32
---	----

ТИББИЁТ- ВЕТЕРИНАРИЯ

Зооантропоноз касалликлар

Лакто ФЛОР қўллаш йўриқномаси.....	33
------------------------------------	----

ЧОРВАЧИЛИК

Наслчилик

Ш.АКМАЛХОНОВ, М.АШИРОВ — Қорамолчиликда наслчилик ишининг вазифалари.....	35
О.ТЎРАЕВ, Т.ИБРАГИМОВ, У.МУРОДОВ — Асаларичилик субъекти паспорти, у қандай бўлиши керак?.....	38
А.ХУШВАҚТОВ, А.ҚАХАРОВ, Х.ЁРҚУЛОВ — Ислохотлар даврида чорвачилик тараққиёти.....	41

МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

С.АЗИМОВ — К вопросам о яйцах и мясе птицы.....	42
В.ФИСИНИН — Стратегия инновационного развития мирового и отечественного птицеводства.....	43

ОЗУҚА

Ш.АКМАЛХОНОВ, А.БЕЗВЕРХОВ, Д.РАХМОНОВ, А.БУДАГОВ — Сафлоровый шрот в рационах дойных коров и телят.....	47
---	----



ҚЎЙ ВА ЭЧКИЛАР ДИКРОЦЕЛИОЗИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИК ҲОЛАТИ, УНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ

Дикроцелиоз барча қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларининг сурункали ҳолда кечадиган трематодоз касаллиги бўлиб, у жигар ўт йўллари ва ўт халтасида паразитлик қилувчи *Dicrocoeliidae* оиласига тегишли *Dicrocoelium lanceatum* томонидан кўзғатилади. Ушбу касаллик ёввойи ўтхўр сут эмизувчиларда, айрим ҳолларда эса одамларда ҳам учрайди. *D. lanceatum* трематодаси фасциолаларга нисбатан кичик ҳажмга эга, вояга етган паразит танасининг узунлиги 10 – 15 мм гача, эни 1,5 – 2,5 мм гача бўлади, тана шакли ясси, ланцетсимон. Унинг тухумлари бироз асимметрик шаклга эга бўлиб, фасциолалар тухумларига нисбатан анча майда ва тўқ жигар рангга эга, диаметри 0,038 – 0,045 x 0,022 – 0,030 мм.

D. lanceatum уч ҳўжайин иштирокида ривожланади. Унинг дефинитив (асосий) ҳўжайинлари – ўтхўр сут эмизувчилар, шу жумладан барча қишлоқ ҳўжалик ҳайвонлари, биринчи оралик ҳўжайини қуруқликда яшовчи *Xeropicta* авлодига мансуб ўпкали қориноёқли моллюскалар, иккинчи оралик яъни қўшимча оралик ҳўжайини – *Formica* ва *Proformica* авлодларига тааллуқли кизғиш тусдаги чумолилар. Фасциолаларнинг онтогенезидан фарқли ўлароқ *D. lanceatum* нинг эмбриогония, цистогония каби личинкалик тараққиёт давлари эндоген шароитда кечеди. Демак, ушбу паразитнинг экзогенли тараққиёт даври бўлмайти. Жинсий вояга етган дикроцелиумлар мирацидияли тухум туғади. Бундай тухумлар ҳайвон тезаги билан ташқи муҳитга тушади ва моллюска томонидан бошқа чиқинди озуқалар билан бирга истеъмол қилинади. Моллюска организмда мирацидия она спороцистага ай-



***D. lanceatum* нинг оралик ҳўжайини - *Xeropicta candacharica* (асл нусха)**




***D. lanceatum* нинг личинкалари билан зарарланган чумолилар (асл нусха)**

ланади, унинг ҳўжайраларидан эса партеногенетик йўл билан қиз спороцисталари пайдо бўлади. Қиз спороцисталарнинг ҳўжайраларидан эса думли церкариялар шаклланади. Етилган церкариялар моллюсканинг ўпкасига 100 – 200 нусхадан йиғилиб шилимшиқ шарсимон тугунчалар ҳосил қилади. Бундай тугунчалар моллюсканинг нафас олиш йўллари орқали ташқарига чиқарилади. Моллюска организмда кечадиган паразитнинг барча личинкалик тараққиёти 4,5 – 5,5 ойгача давом этиши мумкин ға унинг қисқа ёки узоқ вақт давом этиши моллюскаларнинг активлигини таъминловчи ташқи муҳитнинг ҳарорати ва намлиги каби экологик омилларга боғлиқ.

Церкарияли тугунчалар чумолилар томонидан истеъмол қилинади. Чумолилар организмга тушган дикроцелиум личинкалари унинг жигилдонини тешиб қорин бўшлиғига тушади ва у ерда метацеркарияларга айланади. Метацеркарияларни дефинитив ҳўжайинлар учун юқумли ҳолга келиши учун камида 25-30 кун талаб қилинади. Эрта баҳордан *D. lanceatum* метацеркариялари билан зарарланган чумолилар маълум экологик омиллар таъсирида яшил ўтларни тишлаб қарахт ҳолатга ўтади ва фақат қуёш нури таъсирида улар қайта ҳаракатга келади. Ҳайвонлар метацеркариялар билан зарарланган чумолиларни ўт билан бирга ютиб дикроцелиозга чалинади. Ҳар бир чумолининг қорин бўшлиғида бир неча нусхадан юзгача ва ундан ҳам ортиқ метацеркариялар бўлади.

Дефинитив ҳўжайинлар организмга тушган дикроцелиум личинкалари жигар ўт йўлига тушиб 47 – 54 кун ичида вояга етади ва бир неча йил яшайди.


Нафақат биринчи оралик ҳўжайин (моллюска) организмда, балки иккинчи оралик ҳўжайин (чумоли) организмда *D. lanceatum* нинг личинкалари қишлайди. Ҳайвонлар эса дикроцелиоз кўзғатувчиси билан эрта баҳордан қиш бошлангунча, яъни чумолиларнинг барча фаоллик даврида зарарланади. Чумолиларга эса *D. lanceatum* церкариялари фақат моллюскалар фаоллигида юқади. Дефинитив ҳўжайинларни дикроцелиум личинкалари билан энг интенсив зарарланиши баҳор мавсумида кузатилади.



***D. lanceatum* нинг чумоли қорин бўшлиғидан ажратиб олинган метацеркариялари (асл нусха)**

ВЕТЕРИНАРИЯ ТИББИЁТИ: ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР

Дикроцелиоз кўзгатувчисининг ривожланиши



1 – *D. lanceatum*, 2 – дикроцелиянинг дефинитив хўжайинлари, 3 – дикроцелиянинг тухуми, 4 – дикроцелиянинг оралик хўжайини, 5 – мирацидий, 6 – она спорациста, 7 – қиз спорациста, 8 – церкария, 9 – церкарияларнинг шарсимон тугунчалари, 10 – иккинчи оралик хўжайин, 11 – чумоли қорин бўшлиғидаги метацеркарий.

Паразитнинг асосий ва оралик хўжайинларининг зарарланиш даражаси ҳудуднинг маълум экологик омиллари билан чамбарчас боғлиқ: баҳор ва кузда ёғингарчилик қанча кўп бўлса дикроцелиоз ўчоқлари шунчалик кучая боради.

2006 – 2008 йилларда Сурхондарё вилоятининг суғориладиган биоценозларида тўлиқ гельминтологик ёриш йўли билан текширилган 380 бош қўйларнинг 148 тасининг жигар ўт йўлларида; ўт халтасида 2 нусхадан 1384 нусхагача *D. lanceatum* нинг паразитлик қилиши аниқланди. Ҳар бир бош қўйга ўртача 372,3 нусхадан паразит тўғри келди. Дикроцелиознинг инвазия экстенсивлиги эса 38,9 фоизни ташкил қилди. Дикроцелиозга чалинган қўйларнинг 45 боши (12,8 фоизи) да *D. lanceatum* ни тоза ҳолда, 58 боши (15,2 фоизи) да *D. lanceatum* ни *F. hepatica* билан, 18 боши (4,7 фоизи) да *D. lanceatum* ни *F. gigantica* билан, 27 боши (7,1 фоизи) да *D. lanceatum*ни *F. hepatica* ва *F. gigantica* билан бирга учраб, аралаш жигар трематодозларини кўзгатиши аниқланди.

Тўлиқ гельминтологик ёриш йўли билан текширилган 124 бош эчкиларнинг 43 тасини *D. lanceatum* билан зарарланганлиги ва уларнинг жигар ўт йўллари ва ўт халтасида 1 нусхадан 883 нусхагача паразитлар борлиги, ўртача инвазия интенсивлиги эса 214,7 нусха дикроцелиумга тенг эканлиги қайд этилди. Дикроцелиознинг инвазия экстенсивлиги эчкиларда 31,4 фоизни ташкил қилди. Шундан 9,7 фоиз эчкиларда *D. lanceatum* тоза ҳолда учради. 10,5 фоиз эчкиларни бир вақтда *D. lanceatum* ва *F. hepatica* билан, 3,2 фоиз эчкиларни *D. lanceatum* ва *F. gigantica* билан, 8,1 фоиз эчкиларни ҳар уччала тур

трематодалар билан аралаш ҳолда учраши аниқланди.

Дикроцелиоз йилнинг ҳар бир мавсумида қўйлар орасида 30,4 фоиздан 45,2 фоизгача, эчкилар орасида эса 21,4 фоиздан 37,9 фоизгача учрайди. Аммо унинг инвазия экстенсивлиги ва инвазия интенсивлиги ҳар бир тур ҳайвонда куз ва қишда юқори бўлади. Қўй ва эчкиларнинг ёшига кўра касалликнинг инвазия экстенсивлиги ва инвазия интенсивлиги ҳам оша боради.

Вилоятнинг тоғ олди – тоғ биоценозларида қўйларни дикроцелиоз кўзгатувчиси билан ўртача 25,7 фоиз, эчкиларни эса 20,1 фоиз зарарланганлиги, қўйларда 1170 нусхагача, эчкиларда эса 523 нусхагача паразитнинг учраши аниқланди. Дикроцелиумларнинг ўртача инвазия интенсивлиги қўйларда 356,3 нусха, эчкиларда 179,4 нусха паразитни ташкил қилди. Эчкиларда дикроцелиознинг инвазия экстенсивлиги ва инвазия интенсивлигини кузда энг юқори даражага кўтарилиши кузатилди.

Қўйларнинг 2,3 фоизида *D. lanceatum* тоза ҳолда, 20,4 фоизида у *F. hepatica* билан аралаш ҳолда, 3,0 фоизида *D. lanceatum* ни *F. hepatica* ва *F. gigantica* билан биргаликда учраши кузатилди. Эчкиларнинг эса атига 1,9 фоизида *D. lanceatum* ни тоза ҳолда, 16,3 фоизида уни *F. hepatica* билан, 1,9 фоизида *D. lanceatum* ни *F. hepatica* ва *F. gigantica* лар билан биргаликда учраши қайд қилинди.

Шундай қилиб Сурхондарё вилоятининг суғориладиган биоценозларида ҳозирги пайтда қўйларни дикроцелиозга чалиниш даражаси 1972 йилги [4] кўрсаткичга нисбатан 11,6 фоизга, тоғ олди – тоғ биоценозларида эса қарийб икки баробарга камайган. Инвазия интенсивлиги эса тоғ олди – тоғ биоценозларида бироз пасайган, аммо суғориладиган биоценозларда ўртача 82 нусхага ошган. Ушбу маълумотлар иккала биоценозлар шароитида дикроцелиогенли ўчоқлар сонини камайганлигидан, суғориладиган биоценозларда эса уларнинг айримларини кучайганлигидан далолат беради.

Худди шунингдек Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган Самарқанд вилоятининг суғориладиган текислик биоценозларида унинг тоғ олди – тоғ биоценозларига қараганда сўнгги йилларда дикроцелиоз ўчоқларини кучайиши кузатилмоқда. Масалан, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими бўйлаб жойлашган Оқдарё, Иштихон, Каттакўрғон, Пайариқ туманларида қўйларни 75 – 100 фоизи дикроцелиозга чалинганлигини кузатиш мумкин. Айрим тор доирадаги майдонларда боқиладиган қўйларнинг жигар ўт йўллари ва ўт халтасида 17 минггача *D. lanceatum* ларни паразитлик қилиши, барча дик-

роцелиозга чалинган қўйларда фасциолаларнинг ҳам жуда кўп миқдорда учраши аниқланди.

1991 йилги маълумотга кўра [1] Иштихон туманида қўйларни 40 фоиз дикроцелиозга чалинганлиги, унинг инвазия интенсивлигини ўртача 121,9 нусха паразитга тўғри келганлиги кузатилган. Пайарик, Каттақўрғон ва Иштихон туманларида эса қорамоллар атига 7 – 18,7 фоиз атрофида дикроцелиозга чалинган.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳозирги пайтда Ўзбекистон шароитида дикроцелиозни тоғолди – тоғ биоценозларида нисбатан суғориладиган биоценозларда муҳим эпизоотологик аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Дикроцелиоз кўзгатувчиси антгельминтикларга бирмунча чидамли. Масалан, фасциолаларга таъсир қилувчи препаратларнинг кўпчилиги дикроцелиумларга деярли таъсир кўрсатмайди. Россия ҳудудида дикроцелиозга қарши гексахлорпарахлорид, гексиклор, политрем каби антгельминтиклар қўлланиб келинган. Йўриқномага асосан дикроцелиозга қарши альбендазолли препаратларни (альбен, альбазен, альбендазол ва бошқалар) қўллаш тавсия қилинган. Аммо тадқиқотларимиз ушбу препаратларни дикроцелиозга қарши уларнинг йўриқномасида кўрсатилган миқдордагига нисбатан камида икки баробар ортиқ миқдорда қўллаш ва икки ой орасида гижжасизлантиришни 2 – 3 марта такрорий ўтказиш зарурлигини кўрсатди. Аммо шунда ҳам бирор бир препарат инвазия интенсивлиги юқори бўлганда ушбу касалликка 100 фоиз самара бермайди. Шунга кўра дикроцелиозга қарши гижжасизлантиришни бир неча марта такрорлаш ва уларни қиш ойларида ўтказиш тавсия этилади.

Дикроцелиознинг олдини олиш учун носоғлом бўлган ҳудудлардаги яйловларда эрта баҳордан малакологик, мирмекологик кузатишлар ва гельминтологик текширишлар ўтказилади. *Xeropicta* авлодига мансуб бўлган қуруқлик моллюскаларининг ҳар бир биотоплари баҳор мавсуми бошланиши билан эрта тонгда ёки булутли кунлари қишқи «уйқу» дан тура бошлаган *D. lanceatum* нинг инвазион личинкалари – метацеркариялар билан зарарланган қизғиш тусдаги чумолилар текширилади. Агарда чумолилар ушбу инвазия билан зарарланган бўлса улар уялари атрофидаги яшил ўтларнинг баргини ёки ингичка танасини жағлари билан тишлаб қарахт ҳолда ётган бўлади. Булутли, ёмғирли, салқин ва нам ҳавода бундай чумолилар суткалаб айнан шу ҳолатда туришади. Улар териб олиниб лаборатория шароитида қорин қисми бўям шисасида ёриб кўрилганда (1 – 2 томчи сув остида) улардан дарҳол сувга ажралиб чиққан бир неча метацеркарияларни оддий кўз билан кўриш мумкин бўлади ва шу йўл билан яйловларда дикроцелиогенли ўчоқларни аниқлаш мумкин. Бундай дикроцелиогенли яйловларда ҳайвонларни боқиш тақиқланади. Уй паррандаларини сақлаш йўли билан бундай майдонларда *D. lanceatum* нинг оралиқ хўжайинлари – моллюскалар ва чумолиларнинг миқдорини кескин камайтириш мумкин. Бундай имконият бўлмаган тақдирда ушбу майдонларнинг ҳар бир гектарига ёмғир ёғиб ўтгач ёки

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нуруллаев А.А. Биозоологическая и эпизоотологическая характеристика патогенных трематод и их промежуточных хозяев в Зарафшанской долине. //Дисс. канд. биол. наук. Самарканд, 1991.
2. Салимов Б. Экспериментальные исследования по дикроцелиозу животных, эпизоотология заболевания и меры борьбы с ним в Узбекистане. / Дисс. докт. вет. наук. М, 1974.
3. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1975.
4. Эрназаров Дж. Дикроцелиоз овец и крупного рогатого скота в условиях юга Узбекистана. // Автореф. дисс. канд. вет. наук. Самарканд, 1972.

эрта тонгда яъни шудринг тушганда 200 кг миқдорда хлорли калий ўғити сепилади. Бу пайтда фаоллашган моллюскалар танасига тушган ушбу минерал модда уларнинг кўпчилигини нобуд қилади, шу билан бирга препарат ерга сингиб дала ўсимликлари ҳосилини оширади. Препаратни қўллашдан олдин майдон буталардан тозаланади (намлик юқори бўлса моллюскаларнинг бир қисми буталар танасига кўтарилади).

Дикроцелиознинг тор доирадаги кучли ўчоқларини, шу жумладан эски бедазорларни кузда шудгор қилиб, уларга бошоқли экинлар экиш мақсадга мувофиқ.

Дикроцелиогенли ўтлоқларда эрта баҳордан гўштга сўйиладиган қорамолларни 1,5 ойгача ушлаб, уларни зарарланган чумолилардан бирмунча «тозалаш» га эришиш мумкин.

Қўйлар орасида дикроцелиоз билан касалланиб ўлиш ҳолати кузатилса яйловларни алмаштириш, зудлик билан копрологик текширув ўтказиб барча касалликка дучор бўлган ҳайвонларни мажбурий равишда бир ой мобайнида уч марта гижжасизлантириш (альбендазолли препаратлар билан) талаб қилинади.

Дикроцелиозга носоғлом бўлган хўжаликларда, яйловларда малакологик, мирмекологик ва гельминтологик текширишларни режали равишда ўтказиб туриш, уларда сақланадиган қўй, эчки ва қорамолларни қиш ойларида даволаш ва профилактик мақсадда гижжасизлантириб туриш зарур.

Қўйхоналарда, молхоналарда йиғилган гўнларни биотермик усулда қайта ишлаш фойдадан холи эмас.

Дикроцелиоз ёввойи ўтхўр сут эмизувчиларда, шу жумладан кемирувчиларда ҳам учрайди. Шунинг учун уни табиий ўчоқли гельминтоз деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Шунга кўра дикроцелиогенли ўчоқларда кемирувчиларга қарши кураш олиб бориш ҳам дикроцелиозни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида тарқалишини бирмунча олдини олишга ёрдам беради.

Б. САЛИМОВ,
профессор,
Ш. ҚУРБАНОВ,
аспирант-тадқиқотчи,
Х. ОТАБОЕВ,
аспирант, Сам ҚХИ.